

KRKA



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ПИКОВИТ®

Препаратнинг савдо номи: Пиковит®

Дори шакли: сироп

Таркиби:

5 мл сироп куйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

ретинол пальмитати (1,7 млн ХБ/г) (А витамини)	900 ХБ
холекальциферол (1 млн ХБ/г) (D ₃ витамини)	100 ХБ
аскорбин кислотаси (С витамини)	50,00 мг
тиамин гидрохлориди (B ₁ витамини)	1,00 мг
рибофлавин натрий фосфати (B ₂ витамини)	1,00 мг
пиридоксин гидрохлориди (B ₆ витамини)	0,60 мг
цианокобаламин (B ₁₂ витамини)	1,00 мкг
никотинамид (РР витамини)	5,00 мг
декспантенол (D - пантенол)	2,00 мг

ёрдамчи моддалар: агар, трагакант, сахароза, суяқ глюкоза, апельсин мойи, грейпфрут ароматизатори, апельсин ароматизатори, полисорбат 80, лимон кислотаси моногидрати, (Ponseau 4R) (E124) бўёвчиси, натрий бензоати, тозаланган сув.

Таърифи: оч-сарикдан то жигаррангсимон-тўқ сарик ранглигача бўлган қуюқ қовушқоқ, аранг кўринадиган киритмалар бўлишига йўл қўйилади. Ёкимли ҳид ва бироз нордон таъмга эга.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Витаминлар. Поливитаминлар.

АТХ коди: A11BA

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Пиковит® сиропи тўққизта асосий витаминларни сақлайди, улар организмда кўпчилик биокимёвий жараёнларни бошқаришда иштирок этади. Витаминларнинг организмдаги самаралари, фармакодинамик эмас, балки улар асосан физиологикдир. Ҳаётий муҳим фаолиятларни ва яхши рухий жисмоний ҳолатни сақлаб туришда муҳим роль ўйнайди.

А витамини турли моддаларнинг (оксиллар, липидлар, мукополисахаридлар) алмашинувида иштирок этади ва тери, шиллиқ қаватлар, шунингдек кўрув аъзосининг нормал фаолиятини таъминлайди.

D₃ витамини организмда кальций ва фосфор балансини сақлаб туришида муҳим роль ўйнайди. Унинг етишмовчилигида суяк тўқимасида кальций миқдори камаюди (остеопороз).

B₁ витамини юрак фаолиятини нормаллаштиради ва нерв тизимининг нормал фаолиятига ёрдам беради.

B₂ витамини тўқималар, шу жумладан тери хужайраларининг регенерацияси жараёнларига ёрдам беради.

B₆ витамини суяқлар, тишлар, милкларнинг структураси ва фаолиятини сақлаб турилишига ёрдам беради; эритропоезга ёрдам беради, нерв тизимининг нормал фаолиятига ёрдам беради.

B₁₂ витамини эритропоезда иштирок этади, нерв тизимининг нормал фаолиятига ёрдам беради. В гуруҳи витаминлари организмда моддалар алмашинувини бошқарувчи турли ферментларни ҳосил бўлишида иштирок этади.

С витамини катор биологик фаол моддаларни оксидланишида, бириктирувчи тўқимадаги алмашинувни бошқарилишида, углеводлар алмашинувида, қон ивишида ва тўқималарнинг регенерациясида иштирок этади, стероид гормонларнинг ҳосил бўлишини рағбатлантиради, капиллярларнинг ўтказувчанлигини нормаллаштиради. С витамини организмни инфекцияларга чидамлилигини оширади, яллиғланиш реакцияларини пасайтиради.

РР витамини ва Д-пантенол - оксиллар метаболизмида, ёғ кислоталари ва холестеринни синтезида, энергия ҳосил бўлишида иштирок этувчи коферментлар ва марказий нерв тизимининг нормал фаолияти учун зарур.

Фармакокинетикаси

Пиковит® сиропи юзасидан фармакокинетик маълумотлар йўқ. Алоҳида витаминларнинг организмдаги ўрни маълум ва адабиётларда таърифланган. Сувда эрувчи витаминлар (В гуруҳи ва С витаминлари), организмнинг суткалик эҳтиёжларига тўғри келувчи миқдорларда жуда яхши сўрилади. Тўқималарнинг тўйиниш даражасидан юқори миқдорлари сийдик билан ва баъзида ахлат билан чиқарилади. Улар организмда фақат чекланган миқдорларда тўпланади. Шунинг учун бу витаминларни мунтазам қабул қилиш тўқималарда керакли концентрацияларини сақлаб туриш учун муҳим.

Перорал қабул қилингандан кейин ёғда эрувчи А ва D витаминлари, ёғлар иштирокида ингичка ичакда яхши сўрилади. Ёғда эрувчи витаминларнинг анча юқори миқдорлари жигарда тўпланади.

Қўлланилиши

Пиковит® сиропи профилактик восита сифатида болалар учун мўлжалланган бўлиб, қуйидагиларда:

- иштаҳа бўлмаганда;
- организмни инфекцион ва шамоллаш касалликларига қаршилигини ошириш учун;
- ўтказилган касалликлардан кейинги тузалиш даврида;
- жисмоний ривожланиш етарли бўлмаганда (ўсишни орқада қолишида);
- кундалик овқат рақioniда витамин препарати сифатида, айниқса қишки ва баҳорги даврларда;
- мактаб ёшидаги болаларда юқори жисмоний ва нерв-психик юкламаларда;
- антибиотиклар қўлланганда мажмуавий даволашда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Пиковит® сироп ичга қабул қилинади.

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар: 1 ўлчов қошиқдан (5 мл) сироп суткада 2 марта буюрилади.

4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар: 1 ўлчов қошиқдан (5 мл) сироп суткада 3 марта буюрилади.

7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар: 1 ўлчов қошиқдан (5 мл) сироп суткада 3 марта буюрилади, максимал - суткада 4 марта.

Сиропни қошиқчада ёки чой, шарбат ёки мева пюреси билан аралаштириб бериш мумкин. Тавсия этилган суткалик дозани ошириш мумкин эмас.

Иштаҳа бўлмаганда сиропни ҳар куни 1 ой давомида бериш керак.

Такрорий қабул қилиш курси 1-3 ойдан кейин ўтказилади.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

Аллергик реакциялар пайдо бўлганда даволашни тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- фаол моддаларга ва препаратнинг ёрдамчи компонентларига юқори сезувчанлик
- А ва D гипервитаминозида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Аниқланмаган

Махсус кўрсатмалар

Юқори сезувчанлик реакциялар пайдо бўлган ҳолда, препаратни қабул қилишни бекор қилиш керак.

Бошқа витаминли ва витаминли-минералли препаратлар билан бир вақтда қўллашдан олдин, шифокор ёки фармацевт билан маслаҳатлашиш керак.

Рибофлавин сақланиши туфайли, сийдик сарик рангли бўлиши мумкин. Бу самара хавфсиз ҳисобланади.

Пиковит® сиропини қандли диабет бўлган пациентларда қўллаш тавсия этилмайди, чунки 5 мл сироп (1 ўлчов қошиғи) 3 г қанд сақлайди.

1 ёшгача бўлган болаларга сиропни фақат шифокорнинг тавсияси ва кузатуви остида бериш мумкин.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар витамин ва минералларни врач тавсиясига биноан қабул қилишлари керак. Пиковит® сиропидаги витаминлар дозаси болалар учун мўлжалланган.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Препаратни транспорт воситалари ва механизмларни бошқаришда таъсири ҳақида маълумотлар йўқ.

Препарат болаларни ҳаракатланиш функциясига таъсир қилмайди.

Айрим ингредиентлари ҳақида махсус маълумотлар

Пиковит® сиропи сахароза, глюкоза ва Пунц 4R (Ponseau 4R) (E124) бўёвчисини сақлайди.

Фруктозани ўзлаштираолмаслик, глюкоза/галактозани кам сўрилиши ёки сахароза-изомальтоза танқислигини кам учрайдиган наслий шакллари бўлган пациентларга бу препаратни буюриш мумкин эмас.

Пунц 4R (Ponseau 4R) (E124) бўёвчи аллергия реакциялар ривожланишини чақириши мумкин.

Дозани ошириб юборилиши

Тавсия этилган дозаларда интоксикация кутилмайди.

Дозани ошириб юбориш хавфи минимал бўлишига қарамай жуда юқори дозаларда узоқ муддат қўлланилиши А ва D гипервитаминозига олиб келиши мумкин.

А витамини юқори дозада қисқа муддат қўлланилганда А гипервитаминози симптомларига қоринда оғрик, анорексия, қусиш, кўришни бузилиши, бош оғриғи, координирланмаган ҳаракатлар ва терини қизариши киради. А витамини юқори дозада узоқ муддат қўлланилганда тери қичишиши ва юпқалашиши, лабларни ёрилиши, конъюктива яллиғланиши, кўзни зарарланиши, бўғимларда оғрик, сурункали бош оғриши ва кўп марта қусишга олиб келиши мумкин.

D витамини юқори дозада қўлланилганда намоён бўлиши мумкин бўлган D гипервитаминози симптомлари анорексия, тана вазнини камайиши, чарчок, дезориентация, қусиш, диарея ёки ич қотиши, оғизда метал таъми, оғиз шиллиқ қаватини қуриши ва чанқаш.

Чиқарилиш шакли

150 мл дан сироп суюқликни ажратувчи пластмасса тикин ва биринчи очиш назорати бўлган пластик қопқоқ билан беркитилган тўқ шиша флаконда.

1 флакон дозловчи қошиқ ва тиббиетда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойланади.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган хароратда, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

2 йил.

Флакон очилганидан кейин сиропни 2 ой давомида ишлатиш керак.
Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново место, Шмаръешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения.

Ўзбекистон Республикасида дори воситасининг сифати бўйича эътироз (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили

«КРКА, д.д., Ново место» нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўчаси, 14
Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929,
Телефакс: +99871 150 1044